

Самарканд шаҳри

Самарканд вилоят ҳокимлигининг Кенгашлар уйидан фойдаланиш бошқармаси номидан бошқарма бошлиғи в.в. б С.С.Болтаев бошқарма Низомига асосан, бундан кейин «хизмат кўрсатувчи», деб юритилади; бир томондан ҳамда Самарканд вилоят уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси номидан бошлиғи Б.А.Негматов ташкилот Низомига асосан, бундан кейин «Буюртмачи», деб юритилади, иккинчи томондан, ҳар икки томон биргаликда «Томонлар», деб аталади, ушбу шартномани тузиб, қўйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи»га Самарканд шаҳри Кўк сарой майдони 1а-уй манзилида жойлашган бинонинг 12 каватлик маъмурий бинода (кўриклаш, фаррошлик, чиқинди олиб чиқиш) хизматларини кўрсатади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 2.1. «Хизмат кўрсатувчи» мажбур:
- 2.1.1. «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи»га (кўриклаш, фаррошлик, чиқинди олиб чиқиш, лифт) хизматлари кўрсатиш.
- 2.1.2. «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи» нинг бинода сақланаётган мол-мулкни кўриклаш.
- 2.1.3. «Хизмат кўрсатувчи» бинонинг техник қурилмалари, муҳандислик қурилмаларида пайдо бўлган носозликларни ўз вақтида бартараф этилади.
- 2.2. «Буюртмачи» қўйидагиларга мажбур:
- 2.2.1. Бинодан ушбу шартноманинг 1.1 бандидаги шартлар доирасида фойдаланади.
- 2.2.2. Бинонинг элементларида аниқланган носозликлар тўғрисида Хизмат кўрсатувчига ўз вақтида хабар беради.
- 2.3. Хизмат кўрсатувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:
- 2.3.1. Буюртмачидан бинодан техник фойдаланишнинг ягона қоидалари ва нормаларига риоя қилинишини талаб қилиш.
- 2.3.2. Буюртмачидан (кўриклаш, фаррошлик, чиқинди олиб чиқиш) хизматлари учун 3.1-бандда кўрсатиб ўтилган муддатларда ҳақ тўлашни талаб қилиш.
- 2.3.3. Хизмат турар жойининг конструкциялари ва техник қурилмалари ҳамда ёрдамчи хоналарининг ҳолатини кўздан кечириш.
- 2.4. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:
- 2.4.1. Зарур ҳолларда Хизмат кўрсатувчидан хизмат турар жойининг конструкциялари ва техник қурилмаларининг ҳолатини режадан ташқари кўздан кечиришни талаб қилиш.
- 2.4.2. Кечиктириб бўлмайдиган зарурат бўлиб қолганда хизмат турар жойининг Хизмат кўрсатувчи вазифасига кирувчи қисмларини тузатиш (бу ҳақда хат орқали хабар қилингандан сўнг, ундан тузатиш қийматини ундириш ёки тузатиш қийматини келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиш).
- 2.4.3. 2.1.1, 2.1.2 ва 2.1.3-бандларда назарда тутилган мажбуриятлар Хизмат кўрсатувчи томонидан бажарилмаган ҳолларда техник хизмат кўрсатиш ва бошқа хизматлар учун тўловларни қайта ҳисоблашни талаб қилиш.

III. ХИСОБ-КИТОБЛАР

3.1. Хизмат кўрсатиш баҳоси қўйидагича:
Ушбу хизматларнинг 1(бир) ойлиги бинонинг 11-каватидан фойдаланаётган жами 363.75 метр кв.х 16898 сўм= 6 146 647 сўм, ҳамда мебел жихозлари ва инвентарлардан фойдаланаётганлиги учун 15% миқдори 2426945 сўм, жами 1 (бир) ойлиги 8573592 сўм, 3 (уч) ойлиги учун 25 720 776 сўм 00 тийинни ташкил этади. Мазкур шартноманинг умумий суммаси 25 720 776 сўм (Йиғирма беш миллион етти юз йиғирма минг етти юз етмиш олти) сўм 00 тийинни ташкил қилади

3.2. «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматлар туркуми суммасининг 30 фоизи миқдориди ойма-ой олдиндан ҳақ тўлайди ва кўрсатилган хизматлар учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин хизматлар туркуми суммасининг қолган қисмини ҳар ой якунида тўловни амалга оширади.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан иш ҳақи давлат қонунчилиги доирасида оширилганда «Буюртмачи»га барча хизматлар ҳисоби қайта қилинади ва қўшимча келишув шартномаси тузилиб шартномада кўрсатилган суммага ўзгартиришлар киритилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Кўрсатилаётган хизматлар сифати, миқдори хизмат кўрсатувчи томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда хизмат кўрсатувчи кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Буюртмачи»га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

4.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда Хизмат кўрсатувчи, «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня

тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.3. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Хизмат курсатувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорда махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.4 Тўловларни ўз вақтида тўланмаганлиги учун "Буюртмачи"ни ҳисоб рақамига Хизмат курсатувчи томонидан тақдим қилинган ҳисоб фактура ва оғохлантириш хатига асосан солиштирма далолат бўлмаса ҳам тўлов талабномаси банкдаги ҳисоб рақамига қўйилади.

4.5 Тўловларни ўз вақтида тўланмаганлиги учун "Буюртмачи"ни ҳисоб рақамига Хизмат курсатувчи томонидан тақдим қилинган ҳисоб фактура ва оғохлантириш хатига асосан солиштирма далолат бўлмаса ҳам тўлов талабномаси банкдаги ҳисоб рақамига қўйилади.

4.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

4.6. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ «Хизмат курсатувчи» томонидан қопланади.

V.ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

5.1.Ушбу Шартнома мажбуриятларининг ижроси ёки қисман ижроси енгиб бўлмайдиган куч (ер кимираши, ёнғин, сув тошқини, портлаш, бинонинг чўкиши, эпидемиологик вазиятлар ва бошқа табиий офатлар, уруш ва уруш ҳаракатлари) оқибатида томонлар тарафидан таъминланмаса, улар шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича жавобгарликдан озод этиладилар. Бундан ташқари, электр энергиянинг қисқа муддатда ўчиб ёниши оқибатида ахборот коммуникацияларига зарар етганда, совуқ сув ва иситиш тизимининг ишдан чиқиши натижасида Буюртмачига зарар етган ҳолатда хизмат курсатувчи жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VI.ШАРТНОМА МУДДАТИ

6.1.Шартнома муддати (Хизмат курсатиш муддати) 20.01.2022 йилдан бошланади ва 31.03.2022 йилдан тугайди.

6.2.Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, вилоят Ҳазначилик бошқармасида белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

VII.НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1.Шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича юзага келган барча низолар томонларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал қилинади.

7.2.Томонларнинг ўзаро келишувида ечимини топмаган низолар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

VIII.ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1.Ушбу Шартнома унда кўрсатилган муддат тугагунга қадар томонлардан бирининг ёзма хатда (чиқиш рақами, йили ва санаси қўйилиб, расмийлаштирилган ҳолда) ифодаланган асосли сабаблар кўрсатилган ва камида 1 (бир) ой олдин берилган оғохлантириш асосида бузилиши мумкин.

8.2.Ушбу Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро келишуви асосида имзоланган ҳамда ёзма равишда ифодаланган шаклда киритилади. Бундай қўшимчалар шартноманинг ажралмас қисми саналади.

8.3.Ушбу Шартнома 2 (икки) нусхада ўзбек тилида тузилди. Ҳар иккала нусха ҳам бир хил ва бирдек юридик кучга эга. Шартнома томонларнинг ҳар бирида бир нусхадан мавжуд.

IX.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

"Хизмат курсатувчи"	"Буюртмачи"
Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Кенгашлар уйидан фойдаланиш бошқармаси	Ташкилот номи: 
Манзил : Самарқанд шаҳар Кўксарой майдони 1-А уй	Манзил: Хизмат курсатиш бошқармаси ШХР:100021860184017069200110001
Тел. :66 235-10-84	Тел. Факс: ҚКМ «Марказий банк» Бош бошқармаси МФО:00014 СТИР:207255700
x/p:20208000500436191001	X/P:
Банк номи: ТИФ Миллий банки Самарқанд вилоят бўлими	Банк номи:
МФО:00278 СТИР:201212631	МФО: СТИР:
Бошқарма бошлиғи в.в.о.  С.Болтаев	Раҳбар  Ф.И.Ш
Ҳуқуқшунос :Ф.И.Ш. Имзо  Ҳуқуқшунос	Ҳуқуқшунос:Ф.И.Ш Ҳуқуқшунос  Имзо

"КЕЛИШИЛДИ"


Самарқанд вилояти ҳокимлиги
Ишлар бошқармаси бошлиғи в.в.б



2021 йил

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Самарқанд вилояти ҳокимлиги



Кенгашлар уйидан фойдаланиш
бошқармаси бошлиғи в.в.б

С.Болтаев

01 февраль 2021 йил

Самарқанд вилояти ҳокимлиги "Кенгашлар уйидан фойдаланиш бошқармаси" да ижарада турувчи бюджет ва бошқа ташкилотларга кўрсатилган хизматлар ҳисоб-китоб

ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

(СЎМДА)

Электр энергия харажатлари ҳисоби					
Ўлчов бирлиги	Ўртача фойдаланилган миқдор	Бир ўлчов бирлигининг нархи (тариф)	Жами сумма	Хизмат кўрсатиладиган майдон (қв.м)	1 м.қв тўғри келадиган сумма
1	2	3	4	5	6
КВТ	4579	450	2060550	507	4064
Ичимлик суви харажатлари ҳисоби					
Ўлчов бирлиги	Ўртача фойдаланилган миқдор	Бир ўлчов бирлигининг нархи (тариф)	Жами сумма	Хизмат кўрсатиладиган майдон (қв.м)	1 м.қв тўғри келадиган сумма
1	2	3	4	5	6
м.куб	279	4270	1191330	507	2350
Оқова харажатлари ҳисоби					
Ўлчов бирлиги	Ўртача фойдаланилган миқдор	Бир ўлчов бирлигининг нархи (тариф)	Жами сумма	Хизмат кўрсатиладиган майдон (қв.м)	1 м.қв тўғри келадиган сумма
1	2	3	4	5	6
м.куб	279	3270	912330	507	1799
Лифт хизмати ҳисоби					
Ўлчов бирлиги	Ўртача фойдаланилган миқдор	Лифтдан фойдаланиладиган каватлар сони	Бир каватга тўғри келадиган сумма	Хизмат кўрсатиладиган майдон (қв.м)	1 м.қв тўғри келадиган сумма
1	2	3	4	5	6
Сўм	6750000	10	675000	3549	1902
Ишлаб чиқариш ходимлари иш ҳақи					
Ўлчов бирлиги	Штат сони	Бир ойлик иш ҳақи	Бир йиллик иш ҳақи ва ЯИТ	Хизмат кўрсатиладиган майдон (қв.м)	1 м.қв тўғри келадиган сумма
1	2	3	4	5	6
Сўм	22	31466088	542790018	5577,00	97327
Бошқарув ва ёрдамчи ходимларининг иш ҳақи ҳисоби					
Ўлчов бирлиги	Штат сони	Бир ойлик иш ҳақи	Бир йиллик иш ҳақи (МРФ) ва ЯИТ	Хизмат кўрсатиладиган майдон (қв.м)	1 м.қв тўғри келадиган сумма
1	2	3	4	5	6
Сўм	7	15671952	270341172	5577,00	48474
Меҳмонхона ходимларининг иш ҳақи ҳисоби					
Ўлчов бирлиги	Штат сони	Бир ойлик иш ҳақи	Бир йиллик иш ҳақи ва ЯИТ	Хизмат кўрсатиладиган майдон (қв.м)	1 м.қв тўғри келадиган сумма
1	2	3	4	5	6
Сўм	9,5	13411819	231353878	5577,00	41484
Бошқа харажатлар ҳисоби					
Ўлчов бирлиги	Кўрсаткич-лар	Бир ойда	Бир йилда жами	Хизмат кўрсатиладиган майдон (қв.м)	1 м.қв тўғри келадиган сумма
1	2	3	4	5	6
Сўм	Бошқа харажатлар	2500000	30000000	5577,00	5379
Бир йилда 1 кв.м учун харажатлар суммаси (1-2 каватлар учун)					200877
Бир йилда 1 кв.м учун харажатлар суммаси (3-12 каватлар учун)					16740
Бир ойда 1 кв.м учун харажатлар суммаси					202779
					16898

8-кават ХДП балансида

Бош ҳисобчи

Handwritten signature

Н.Русланова